

"25h8" ТИЗИМИдан фойдаланиш шартлари

1. Атамалар таърифи

1.1. «25h8» ТИЗИМИ – чекланмаган доирадаги фойдаланувчиларга ахборот электрон хизматлари тақдим этишга мўлжалланган ахборот-телекоммуникация тизими. Хизматларга, жумладан, қуйидагилар киради:

- ахборот, хусусан: хабарлар, эълонлар, постлар ва ш.к.ни ташкил этиш, эълон қилиш, узатиш ва сақлаш;
- "25h8" ТИЗИМИда ахборотни излаш ва ундан фойдаланиш;
- электрон ҳужжатларни ташкил этиш, қайта ишлаш, жўнатиш, узатиш, олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш;
- электрон шаклдаги аукционлар, редукционларни эълон қилиш, ўтказиш ва қатнашиш;
- бошқа шу каби амалиётларни бажариш.

1.2. «25h8» ТИЗИМИ веб-сайти – «25h8» ТИЗИМИни ташкил қилувчи ёки бошқа турдаги, ўзаро боғлиқ ва Интернет тармоғидаги <https://25h8.com> манзили (у орқали фойдаланувчилар «25h8» ТИЗИМИга уланадилар) доирасида тизимланган маълумотлар, электрон (рақамли) ахборот, муаллифлик ҳуқуқи ва (ёки) аралаш ҳуқуқлар объектлари ва ш.к.

1.3. «25h8» ТИЗИМИ оператори - "25 / 8.Бизнес" масъулияти чекланган жамияти, ЯДРда рўйхатдан ўтиш коди: 40581854, манзили: 04071, Киев ш., Воздвиженская кўч., 56- уй, 604- офис, Украина қонунчилигига асосан рўйхатдан ўтган ва фаолият юритади.

1.4. **контент (мазмун, ахборот)** – фойдаланувчилар ва / ёки бошқа ҳуқуқ эгалари томонидан «25h8» ТИЗИМИ доирасида жойлаштирилган (эълон қилинган) ва / ёки «25h8» ТИЗИМИ сайтида акс эттирилган, жумладан (лекин фақатгина шу эмас): аудио-, видеоматериаллар, матнлар (постлар, эълонлар, аукционлар (редукционлар) тўғрисидаги хабарлар ва ш.к.), график тасвир, иллюстрациялар, компьютер дастурлари (уларнинг дастурий коди), маълумотлар базаси, мусиқа, овозлар ва бошқа объектлар, шунингдек "25h8" ТИЗИМИда жойлаштирилган (эълон қилинган) ва / ёки «25h8» ТИЗИМИ сайтида акс этган исталган бошқа ахборот.

1.5. **идентификация** – Операторнинг Фойдаланувчи шахсий маълумотларини маълумотлар Қабул қилувчисига узатиш бўйича фармойишига асос яратиш мақсадида, маълумотлар Қабул қилувчиси интернет-сервиси томонидан сўраладиган муайян ўлчамлар кўлами (электрон почта манзили, логин, пароль ва ш.к.)нинг мавжудлигини ва Оператор маълумотлар базасида сақланадиган Фойдаланувчи ҳисоб ёзувига, жумладан Фойдаланувчи id-сига мувофиқлигини қиёслаш йўли билан, Фойдаланувчини таниш ва Фойдаланувчининг маълумотларини текшириш таомили.

"25h8" ТИЗИМИ томонидан сўраладиган муайян ўлчамлар кўлами (электрон почта манзили, логин, пароль ва ш.к.), жумладан фойдаланувчи id-сининг мавжудлиги ва Оператор маълумотлар базасида ва / ёки SSOid.net сервиши хизматларини тақдим этувчи маълумотлар базасида сақланувчи фойдаланувчи ҳисоб ёзувига мувофиқлигини фойдаланувчини "25h8" ТИЗИМИда аутентификация қилиш мақсадида текшириш йўли билан Фойдаланувчини таниш ва фойдаланувчи маълумотларини текшириш.

1.6. **ssoid.net сервиши** – «Идентификация» масъулияти чекланган жамияти (ЯДРда рўйхатдан ўтиш коди: 41513455, манзили: 04071, Киев ш., Воздвиженская кўч., 56- уй, 202- офис, Украина қонунчилигига асосан рўйхатдан ўтган ва фаолият юритади) томонидан тақдим этиладиган хизмат. Оператор ва "Идентификация" МЧЖ «25h8» ТИЗИМИ фойдаланувчиларини «25h8» ТИЗИМИда ва бошқа ахборот-телекоммуникация тизимларида Single Sign-On технологияси бўйича идентификация (рўйхатдан ўтиш)ни

амалга ошириш имконияти билан таъминлашга, шунингдек фойдаланувчилар шахсий маълумотлари ҳимоясини мустаҳкамлашга қаратилган шартнома муносабатидадир.

1.7. **аутентификация** – фойдаланувчининг ваколатлари ва унга ахборотдан ва «25h8» ТИЗИМИ функционал имкониятларидан фойдаланиш ҳуқуқи тақдим этилган ҳолда, унинг «25h8» ТИЗИМИда идентификацияси яқуний қисмидир.

1.8. **верификация** – Оператор томонидан фойдаланувчи шахсини, унинг шахсий маълумотларининг ҳақиқийлигини, Фойдаланувчи «25h8» ТИЗИМИ ва / ёки SSOid.net сервисидан фойдаланиш учун идентификацияси (рўйхатдан ўтиши) давомида кўрсатганларига мувофиқлиги ва унинг ўзига тегишлилигини текшириш усули ёки воситасидир.

1.9. **кабинет** – "25h8" ТИЗИМИдаги фойдаланувчи ҳисоб ёзуви, шунингдек Фойдаланувчи томонидан рўйхатдан ўтиш, реклама ва ўзи ҳақидаги бошқа маълумотлар кўрсатиладиган «25h8» ТИЗИМИдаги бўлим; Кабинет ёрдамида Фойдаланувчи «25h8» ТИЗИМИни унинг функционал мақсадлари бўйича ишлата олади. Кабинет (ҳисоб ёзуви)дан фақат битта фойдаланувчи фойдалана олади, ўз кабинети (аккаунти)га бошқа фойдаланувчи (бошқа шахс)нинг киришига рухсат беришга йўл қўйилмайди.

2. Умумий қоидалар

2.1 "25 / 8.БИЗНЕС" масъулияти чекланган жамияти (УКТЯДР коди: 40581854) (қуйида – Оператор) «25h8» ТИЗИМИдан фойдаланиш шартларини Операторнинг <https://www.25h8.com> сайтида эълон қилади.

2.2 «25h8» ТИЗИМИдан фойдаланиш шартлари (қуйида шунингдек – ТИЗИМдан фойдаланиш шартлари ёки Фойдаланиш шартлари) Оператор томонидан норматив ҳужжатлар талаблари инобатга олинган ҳолда, фойдаланувчиларга ўз ижтимоий, амалий, меҳнат ва тижорат манфаатларини «25h8» ТИЗИМИ функционал имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш орқали амалга ошириш имкониятини тақдим этиш мақсадида ташкил этилган «25h8» ТИЗИМИдан фойдаланиш қоидаларидир.

ушбу Фойдаланиш шартларида кўрсатилган йўл орқали қуйида баён этилган қоидаларнинг қабул қилинишида, ҳар қандай лаёқатли жисмоний ёки юридик шахс тегишли тарзда ваколат берилган жисмоний шахс (қуйида Фойдаланувчи) орқали ҳаракатланиши керак, у «25h8» ТИЗИМИдан Фойдаланиш шартлари қоидаларини бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2.3 Агар Фойдаланувчи Фойдаланиш қоидаларига қисман ёки мутлақо рози бўлмаса, Оператор ундан «25h8» ТИЗИМИни тарк этишни сўрайди. «25h8» ТИЗИМИ хизматларидан фойдаланиш Фойдаланувчи ушбу Фойдаланиш шартлари билан танишганлигини, уларни тушуниши ва қабул қилишини аниқлатади.

2.4 "25h8" ТИЗИМИда идентификация (рўйхатдан ўтиш) таомилдан ўтгач, «25h8» ТИЗИМИни ишлата бошлаш билан, Фойдаланувчи ўзининг лаёқатли эканлигини ва ТИЗИМдан Фойдаланиш шартларини тўлиқ, бирорта чеклов ва истисноларсиз қабул қилишини тасдиқлайди. Фойдаланиш шартларидан бирортасига бўлса ҳам, Фойдаланувчи рози бўлмаса, «25h8» ТИЗИМИдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

2.5 «25h8» ТИЗИМИни ишлатар экан, Фойдаланувчи ТИЗИМда Фойдаланувчилар бевосита бир-бирлари билан алоқада бўлишларини тушунади. Оператор фойдаланувчилар билдирган мажбуриятлар кафолати бўлмайди, Фойдаланувчилар битимлари иштирокчиси ҳисобланмайди, фақат «25h8» ТИЗИМИни функционал мақсади бўйича ишлатиш учун тақдим этади, холос.

2.6 «25h8» ТИЗИМИдан Фойдаланишнинг ушбу шартлари ТИЗИМдан ва унинг бутун контенти (мазмун, ахборот, тасвирлар)дан фойдаланишнинг барча турлари ва

усулларига, шунингдек ТИЗИМда фойдаланиш мумкин бўлган ёки унинг ёрдамида олинган хизматлар ва махсулотларга тааллуқли бўлади.

2.7 Фойдаланувчи ҳам «25h8» ТИЗИМИ интерфейсига ўрнатилган, ҳам Тизим сайтида эркин фойдаланиш учун жойлаштирилган тегишли йўриқномалар, ёрдамчилар, ўрнатмалар, усталар "25h8" ТИЗИМИдан Фойдаланиш шартларининг узвий қисми (унга илова) саналади ва Фойдаланувчиларро ҳамда Фойдаланувчилар ва Оператор ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиради. Кўрсатилган йўриқномалар, ёрдамчилар, ўрнатмалар, усталар улар ТИЗИМда эълон қилинган пайтдан амалда бўлади.

2.8 Оператор ушбу Шартларга бир томонлама тартибда ўзгартишлар киритиш ҳуқуқига эга. Шартларга киритилган барча ўзгартишлар «25h8» ТИЗИМИ сайтида жойлаштирилган янги таҳрир кўринишида очик бўлади. Фойдаланувчи бундай ўзгаришлар ҳақида кабинет орқали хабардор бўлиши мумкин.

2.9 Фойдаланиш шартларидаги барча ўзгартишлар Оператор сайтида улар эълон қилинган вақтдан кучга киради. «25h8» ТИЗИМИдан фойдаланиш орқали Фойдаланувчи «25h8» ТИЗИМИдан фойдаланиши пайтида амал қилаётган таҳрирдаги янги Шартларга розилигини тасдиқлайди.

2.10 ТИЗИМдан фойдаланиш ушбу Шартлардан келиб чиқувчи муносабатларга, шунингдек, "25h8" ТИЗИМИга умумий суратда, ҳам унинг алоҳида компонентлари ёки функцияларига нисбатан жаҳон амалиётида умумтарқалган “Борича” ("As is") тамойилини қўллаш асосида амалга оширилади, айнан: Фойдаланувчилар функционал имкониятидан фойдалана оладиган «25h8» ТИЗИМИ (ва / ёки унинг компонентлари) муайян функционал ва / ёки техник имкониятлар ҳолатида бўлиб, унинг даражаси Фойдаланувчилар томонидан ТИЗИМ ишлатилиши санасига шакллантирилган, Фойдаланувчилар ундан кўшимча шартларсиз ва / ёки сўзсиз фойдаланишга рози бўладилар.

2.11 Оператор «25h8» ТИЗИМИ ишида хатолар мавжуд эмаслиги тўғрисида ё ТИЗИМга ёки «25h8» ТИЗИМИ сайтига доимий ёхуд узлуксиз уланиш борасида ҳеч қандай кафолат бермайди.

2.12 Оператор «25h8» ТИЗИМИни, жумладан унинг алоҳида компонентлари / модулларини, Фойдаланувчи билан олдиндан келишиб олмасдан, янгилashi ва бошқа эҳтимолий модернизацияларни амалга ошириши мумкин.

2.13 Оператор «25h8» ТИЗИМИ ва / ёки унинг компонентларида, унинг бевосита функционал мақсадини ўзгартирмаган ҳолда, жумладан, «25h8» ТИЗИМИ функционал имкониятларини ўзгартириш, тўлдириш ва / ёки кенгайтириш, интерфейсни ўзгартириш мақсадларидаги ва бошқа модификацияларни (лекин булар билан чегараланиб қолмай) исталган модификацияларни амалга ошириш (ўзгартишлар киритиш) ҳуқуқига эга.

2.14 Оператор, Фойдаланувчилар билан кўшимча келишувларсиз, "25h8" ТИЗИМИда пуллик сервислар киритиш, Фойдаланувчилар томонидан бу сервислар ҳақини тўлаш миқдори ва тартибини белгилаш, шу муносабат билан Фойдаланувчиларга «25h8» ТИЗИМИ хизматларини тақдим этиш бўйича, жумладан кўшилиш бўйича шартнома шаклида, тегишли шартномани таклиф этиши мумкин.

3. Фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари

3.1 Профилни ва / ёки шахсий кабинетни рўйхатдан ўтказишда, таҳрир қилишда Фойдаланувчи "25h8" ТИЗИМИга (унинг эгаси Оператор саналади) Фойдаланувчининг шахсий маълумотлари (профиль / шахсий кабинетнинг ахборот ва / ёки мазмунли сатрлари қисмида: фамилия, исм, отасининг исми, таваллуд куни, серия, рақам, паспорт берилган сана ва жой, солиқ тўловчининг рўйхатга олиш карточкаси рақами, рўйхатга

олинган манзил (яшаш жойи), контакт маълумотлари (телефон рақами)) ни тақдим этади, Оператор эса қабул қилади ва уларнинг етарлича ҳимоясини қафолатлайди.

3.2 "25h8" ТИЗИМИда идентификация (рўйхатдан ўтиш) таомилини ўтишда, ҳар бир Фойдаланувчи шахсий маълумотлар субъекти ёки унинг вакили сифатида қатнашиб, шахсий маълумотлар тўғрисидаги ушбу қоидаларни тўлиқ қабул қилади ва хабардор ҳолда, онгли равишда, кўрсатилган шахсий маълумотларни қайта ишлаш бўйича Операторга ва очиқ-ойдин розилик беради.

3.3 Барча маълумотлар, Фойдаланувчи, унинг ваколатли шахслари ҳақидаги ахборот, Оператор томонидан олинган ва «25h8» ТИЗИМИ фаолият юритиши билан боғлиқ бошқа шахсий маълумотлар «25h8» ТИЗИМИ (умумий суратда ва унинг алоҳида сервислари, модуллари)нинг тўлақонли фаолият юритишини таъминлаш, Фойдаланувчининг эҳтиёжлари ва талабларини таъминлаш ва қондириш мақсадида, Украинанинг “Шахсий маълумотларни ҳимоялаш тўғрисида”ги, “Ахборот-телекоммуникация тизимларида ахборотни ҳимоялаш тўғрисида”ги қонунлари талабларига тўлиқ риоя этилган ҳолда қайта ишланади (жумладан сақланади).

3.4 Фойдаланувчи, унинг ваколатли шахсларининг Оператор томонидан олинган шахсий маълумотлари “Шахсий маълумотлари қайта ишланаётган жисмоний шахслар” шахсий маълумотлар базасига киритилади.

3.5 Фойдаланувчининг шахсий маълумотларини қайта ишлаш Оператор томонидан автоматик равишда, истисновий ҳолларда – унинг ваколатли ишчилари томонидан электрон ва қоғоз кўринишида, картотекаларда, тизимлаштирилган ҳужжатлар (баённомалар, маълумотлар, реестрлар)да, бошқа алоҳида ҳужжатларда (шартномалар, ҳисоблар, далолатномалар ва ш.к.)да амалга оширилади.

3.6 Оператор томонидан Фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларини қайта ишлашдан мақсад Фойдаланувчиларга «25h8» ТИЗИМИ функционалида кўзда тутилган сервислар ва хизматларни тақдим этиш, шунингдек Фойдаланувчи ихтиёрига кўра, учинчи шахслар маълумотларидан фойдаланиш имконини бериш саналади.

3.7 "25h8" ТИЗИМИда фойдаланувчи профили ва / ёки шахсий кабинетини рўйхатдан ўтказиш, авторизациялаш, таҳрир қилишда қўлланилувчи Фойдаланувчининг шахсий маълумотлари (профиль / шахсий кабинет ахборот ва / ёки мазмунли сатрлари қисмида: фамилия, исм, отасининг исми, таваллуд куни, серия, рақам, паспорт берилган сана ва жой, солиқ тўловчининг рўйхатга олиш карточкаси рақами, рўйхатга олинган манзил (яшаш жойи), контакт маълумотлари (телефон рақами)) Операторнинг жиҳозида (сервериди) қайта ишланади ва сақланади.

3.8 "25h8" ТИЗИМИда рўйхатдан ўтиб, Фойдаланувчи шахсий маълумотларини қайта ишлашга розилик беради ва ушбу келишувда кўрсатилган шахсий маълумотларни қайта ишлаш мақсади ҳамда Украина “Шахсий маълумотларни ҳимоялаш тўғрисида”ги қонуни 8- моддасига мувофиқ шахсий маълумотлар субъектига тақдим этилган ҳуқуқлар билан танишганлигини тасдиқлайди.

3.9 Фойдаланувчи шахсий маълумотлар субъекти сифатида Украина “Шахсий маълумотлар ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни 8- моддасида кўзда тутилган ҳуқуқлари билан танишганлигини тасдиқлайди, айнан:

- ўз шахсий маълумотлари тўпланиши манбалари, қаерда жойлашганлиги, уларни қайта ишлаш мақсадлари, шахсий маълумотлар эгаси ёки бошқарувчиси қаердалиги ёки яшаш жойи (турар жойи)ни билиш ёки бу ахборотни олиш учун бунга ваколатли шахсларга тегишли вазифалар бериш (қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно);
- шахсий маълумотлар (жумладан, унинг шахсий маълумотлари бериладиган учинчи шахслар тўғрисидаги ахборот)дан фойдаланиш ҳуқуқини бериш шартлари ҳақида ахборотни олиш;

- ўз шахсий маълумотларидан фойдаланиш;
- сўров тақдим этилганидан кейин кўпи билан ўттиз календарь куни ичида (қонунда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно) ўзининг шахсий маълумотлари қайта ишланаётганлиги ҳақида жавоб олиш, шунингдек бундай шахсий маълумотлар мазмунига эга бўлиш;
- шахсий маълумотлар эгасига ўз шахсий маълумотларини қайта ишлашга қарши раддия билан асосли талаб тақдим этиш;
- агар шахсий маълумотлари ноқонуний қайта ишланаётган бўлса ёки ҳақиқатга мувофиқ бўлмаса, шахсий маълумотларнинг ҳар қандай эгаси ва бошқарувчисига ўз шахсий маълумотларини ўзгартириш ёки йўқ қилиш тўғрисида асос кўрсатилган талаб тақдим этиш;
- ўз шахсий маълумотларини қасддан яшириш, тақдим қилмаслик ёки ўз вақтида тақдим қилмаслик туфайли ноқонуний қайта ишлашдан ва тасодифий йўқотишлардан, йўқ қилинишидан, шикастланишидан ҳимоялаш, шунингдек ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёки жисмоний шахснинг обрўсига, кадр-қиммати ва амалий обрўсига путур етказадиган маълумотларни тақдим этишдан ҳимояга;
- Вақилга ёки судга ўз шахсий маълумотларини қайта ишлаш устидан шикоят билан муурожаат қилиш;
- шахсий маълумотларни ҳимоялаш тўғрисидаги қонунчилик бузилган ҳолатларда ҳуқуқий ҳимоя воситаларини қўллаш;
- розилик билдириш чоғида ўз шахсий маълумотларини қайта ишлаш ҳуқуқини чеклаш тўғрисида мулоҳаза киритиш;
- шахсий маълумотларини қайта ишлашга розиликни қайтариб олиш;
- шахсий маълумотларни автоматик қайта ишланиши механизмини билиш;
- унинг учун ҳуқуқий оқибатларга эга бўлган автоматизацияланган қарордан ҳимояланиш.

3.10 Фойдаланувчи кабинетини, профилини ва / ёки ҳисоб ёзувини идентификациялаш, аутентификациялаш, таҳрирлашда қўлланиладиган Фойдаланувчи шахсий маълумотлари “Идентификация” масъулияти чекланган жамиятида қайта ишланади ва сақланади, у Операторга SSOid.net сервиси хизматларини тақдим этади.

3.11 Фойдаланувчилар ўз шахсий маълумотларининг Оператор томонидан учинчи шахсларга – фақат Оператор билан 25/8 Тизими функционал имкониятларини ривожлантиришга, учинчи шахслар ва фойдаланувчилар ўртасида, жумладан электрон ҳужжатлар шаклида ҳужжатлар айлануви (алмашинуви)ни ташкил этиш, фойдаланувчиларни Оператор ва / ёки Оператор шерикларининг бошқа ахборот-телекоммуникация тизимларида рўйхатдан ўтказиш (фойдаланувчи шахсий кабинетлари ва / ёки профилларини ташкил этиш), фойдаланувчиларнинг эҳтимолӣ контрагентлари доирасини кенгайтириш, технологик жараёнлар содалаштириш ва / ёки фойдаланувчилар ва уларнинг шахсий маълумотлари даражасини оширишга қаратилган шартномавий шериклик муносабатларида бўлган шахсларга узатилиши мумкинлигига розилик билдирадилар.

3.12 Фойдаланувчилар уларнинг шахсий маълумотлари юкорида келтирилган учинчи шахсларга узатилиши мумкинлигига розилик билдирадилар ва Операторни юкорида тавсифланган ҳолатларда уларнинг шахсий маълумотлари узатилгани ҳақида алоҳида хабар бериш мажбуриятидан озод қиладилар.

3.13 Фойдаланувчи Операторга идентификацияда (рўйхатдан ўтишда) кўрсатилган электрон манзилига ва ўз мобил телефонида ахборот маълумотлари жўнатишга роилик билдиради.

4. ТИЗИМда Контент жойлаштириш

4.1 "25h8" ТИЗИМИда идентификациядан (рўйхатдан) ўтилгач ва "25h8" ТИЗИМИда Кабинет ташкил этилгач, Фойдаланувчи "25h8" ТИЗИМИда ушбу Кабинет (аккаунт)дан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган барча ҳаракатлар, жумладан Фойдаланувчи томонидан "25h8" ТИЗИМИга жойлаштириладиган ахборот учун тўлиқ жавобгарликка эга бўлади.

4.2 Оператор Фойдаланувчилар томонидан ҳаракатлар (ёки ҳаракатсизлик), жумладан бундай ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) оқибатида рўй берган ҳар қандай турдаги (хусусан – бой берилган фойда) учун жавобгарликни зиммасига олмайди.

4.3 Агар Фойдаланувчи ўз Контентини эълон қилса, "25h8" ТИЗИМИда бошқа Фойдаланувчи томонидан жойланган Контентни шарҳласа ёки бошқа ҳар қандай усулда «25h8» ТИЗИМИ ёрдамида Контентдан фойдаланишни тақдим этса (ёки учинчи шахсларга тақдим этиш имконини берса), унда бу Фойдаланувчи бу ҳаракатлари ва Контент учун ва улар туфайли етказилган ҳар қандай зарар учун тўлиқ жавобгарликка эга бўлади. Бу жавобгарлик Контент ҳар қандай, жумладан, чекловларсиз, матн, фото, видео, аудио ёки дастурий код шаклида берилишидан қатъий назар, кучга қиради. Контентдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш орқали, Фойдаланувчи бу Контент бошқа шахслар ҳуқуқлари ва манфаатларига ва Фойдаланиш шартларига зид келмаслигини кафолатлайди.

4.4 "25h8" ТИЗИМИда Контент жойлар экан (унинг оммавийлиги шарти билан), Фойдаланувчи Операторга «25h8» ТИЗИМИ доирасида, мутлақо бу ахборотни намойиш этиш, тарқатиш ва илгари суриш мақсадида, қайта ижро этиш, мослаштириш ва эълон қилишга бепул ва ноистисновий лицензияни тақдим этади. Бундай рухсат Операторга эълон қилинган Контентга учинчи шахслар, жумладан: «25h8» ТИЗИМИ бошқа Фойдаланувчиларига, шунингдек Оператор томонидан танланган бошқа (Оператор билан шартномавий муносабатларда бўлган) шахсларга, бу Контентни таҳлил қилиш ва тарқатиш мақсадида уланишини тақдим этиш ҳуқуқини беради.

4.5 Шу билан бирга, Фойдаланувчи Операторга Фойдаланувчи Контенти қисмини мутлақо «25h8» ТИЗИМИ функционали билан чегараланган бошқа мақсадларда ҳам ишлатиш ҳуқуқини беради. Жумладан, Фойдаланувчи товар савдо карточкаси (SKU), сотувга ёки харидга сўрови бошқа фойдаланувчиларни савдо карточкалари (SKU) билан қиёслаш, уларни «25h8» ТИЗИМИ излаш воситаларида тарқатиш, бошқа Фойдаланувчиларга уларнинг афзалликлари ва сўровларига мувофиқ тақдим этиш мақсадида оператор ва / ёки автоматик равишда "25h8" ТИЗИМИ томонидан таҳлил қилиниши, тарқатилиши мумкин.

4.6 Шунингдек, Контентнинг бир қисми, жумладан: оммавий контактлар, блоглар, постлар, оммавий музокаралар ҳам Оператор ва / ёки автоматик равишда "25h8" ТИЗИМИ томонидан «25h8» ТИЗИМИ имкониятларининг меъёрида ишлашини таъминлаш мақсадида ишлатилиши мумкин. Чунончи, Контентнинг кўрсатилган қисми рейтинг, овоз бериш, афзаллик бериш, теглар, излаш воситалари ва бошқа фойдаланувчиларнинг улар афзал санашлари ва сўровларига мувофиқ таклифлари объекти бўлиши мумкин.

4.7 Фойдаланувчи, шунингдек, Операторга Фойдаланувчининг афзал билишлари, сўровлари, шунингдек Фойдаланувчи томонидан «25h8» ТИЗИМИ функционал имкониятлари (масалан, излаш воситалари)нинг ишлатилиши натижаларига мувофиқ унга бошқа Фойдаланувчиларнинг Контентлари қисмлари ҳақида ахборот бериш (хабардор қилиш) ҳуқуқини беради.

4.8 Контент ёки Контентнинг бир қисми, жумладан: контактлар, Фойдаланувчи ҳақидаги рўйхатдан ўтиш маълумотлари, хусусий чатлар ёки музокаралар, хусусий ҳужжат айлануви, яъни «25h8» ТИЗИМИнинг Фойдаланувчи уларни “хусусий”, “нооммавий”, “аноним”, “таклиф бўйича фойдаланиш” дея белгилаш имконига эга бўлган функционал

икониятлари Оператор томонидан ошкор этилмайди (бошқа Фойдаланувчилар фойдалана олмайди) ва " 25h8 " ТИЗИМИда эълон қилинмайди. Бундай Контентдан фақат тегишли Контентни жойлаган Фойдаланувчи рухсат берган Фойдаланувчиларгагина фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

4.9 Бунда фойдаланувчи Интернет тармоғи орқали ахборот узатиш хатарини тушунади ва ахборот йўқолиши, ноқонуний эгаллаб олинishi, техник илиб олинishi ва шунга ўхшашларнинг барча эҳтимолий салбий оқибати юзага келиши хатарини зиммасига олади.

5. «25h8» ТИЗИМИдан чекланган фойдаланиш

5.1 Фойдаланувчи унинг "25h8" ТИЗИМИдаги ҳисоб ёзувидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган барча ҳаракатлар учун жавобгарликка эга бўлади. Фойдаланувчи «25h8» ТИЗИМИ сервисларидан фақат ҳисоб ёзуви ёрдамида фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳисоб ёзувига уланиш учун маълумотлар бошқа Фойдаланувчи (бошқа шахс)га тақдим этилганда, Оператор ўз ихтиёрига кўра бундай аккаунтни блоклаб қўйиши мумкин.

5.2 Фойдаланувчи ҳисоб ёзувига уланиш учун керакли пароль ва / ёки бошқа маълумотлар махфийлигини сақлаш ва уни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик / бермаслик мажбуриятини зиммасига олади.

5.3 Фойдаланувчида ўзининг «25h8» ТИЗИМИга кириш учун ишлатиладиган маълумотлари фош этилган ёки учинчи шахс томонидан ишлатилаётганлигига шубҳаланиш сабаблари юзига келса, дарҳол «25h8» ТИЗИМИга кириш маълумотларини ўзгартириши шарт.

5.4 «25h8» ТИЗИМИ сервисларини ишлатадиган фойдаланувчи улар ҳақидаги ахборотни Фойдаланиш шартларига ва "25h8" ТИЗИМИда тақдим этилган / тақдим этиладиган йўриқномаларга мувофиқ жойлаштириш ва товарлар, ишлар ёки хизматлар ва улар сотуви шартлари ҳақидаги аниқ ва тўлиқ ахборотни тақдим этиш мажбуриятини зиммасига олади. "25h8" ТИЗИМИда ахборотни жойлаштириш орқали, Фойдаланувчи қонунчилик талабларига кўра шундай ҳуқуққа эга эканлигини тасдиқлайди.

5.5 Фойдаланувчи у таклиф этаётган товарлар / хизматлар қонунчиликда белгиланган сифат меъёрларига мувофиқ келишини ва учинчи шахслар даъволаридан холи эканлигини кафолатлайди.

5.6 Фойдаланувчи у таклиф этаётган / реклама қилаётган товарлар / хизматлар, агар уларнинг сотуви / тақдим этилиши махсус рухсатномани талаб қиладиган бўлса, қонунчилик талабларига мувофиқ тақдим этилишини кафолатлайди.

5.7 Фойдаланувчига ТИЗИМда қуйидагиларни сотишни реклама қилувчи ахборотни жойлаштириш тақиқланади:

- спиртли ичимликлар;
- сигарета ва тамаки маҳсулотлари;
- гиёҳванд моддалар ва прекурсорлар;
- порнографик материаллар ёки ашёлар;
- фармакологик маҳсулотлар, дори-дармонлар;
- ўғриланган, ноқонуний йўл билан олинган товарлар;
- ҳаёт ва саломатликка хавф туғдирувчи ашёлар;
- мавжуд бўлмаган товарлар;
- инсон аъзолари ва ҳайвонлар аъзолари;
- ахборотни эълон қилмай олиш учун махсус техник воситалар;
- давлат мукофотлари;
- шахсий ҳужжатлар ва бу ҳужжатлар бланклари;

- маълумотлар базаси;
- ўт очар, совук, травматик қурол, поортловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини, шунингдек ўқ-дорилар ва уларнинг бутловчи қисмлари;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қўллайдиган фаол ҳимоя махсус воситалари;
- буюмнинг бир қисми бўлмаган морж сўйлоқ тиши, фил ва мамонт суяги, шунингдек буюм бўлмаган қимматбаҳо металллар ва тошлар;
- ноёб ва сотилиши тақиқланган ҳайвонлар, жумладан СИТЕС халқаро конвенцияси рўйхати (флора ва фаунанинг ноёб ва йўқолиб бораётган турлари савдоси ҳақида)га киритилган ҳайвонлар;
- ҳар қандай бошқа, тегишли қонунчилик билан тақиқланган товар ва хизматлар.

5.8 Фойдаланувчи ТИЗИМда қуйидаги товарлар, ишлар ва хизматлар тўғрисидаги ахборот жойламаслик мажбуриятини зиммасига олади:

- сотуви тақиқланган ва / ёки фуқаролик муомаласидан олинган товарлар;
- Фойдаланувчи сотиш / реклама қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган ашёлар. СМ (савдо маркаси) ҳуқуқий эгаси ёки патент соҳибидан Оператор номига расмий сўров юборилган товар ва хизматлар сотуви / рекламаси тақиқланган;
- антиквариатдан ташқари, ҳар қандай қурол (бутловчи қисмлари ва уларга аксессуарлар). Агар камон, арбалет ва бошқа ёй отиш қуроллари совуқ қурол бўлмаса, Фойдаланувчи бу товар совуқ қурол эмаслиги ҳақидаги сертификат ёки ИИБ хулосасини илова қилиши керак. Шунингдек, пичоқ, ёй, арбалет ёки ёй отиш қуролларининг бошқа кўринишларининг ГОСТ, ТУ ва мақсади, сертификатда келганидек, кўрсатилиши керак. Украина “Хўжалик фаолияти турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, ноҳарбий мақсадлардаги ўт очар қуролни ва унга ўқ-дорилар, совуқ қурол ва ш.к.ни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш бўйича барча тақлифлар эълон тавсифида ёки фото шаклида лицензияга эга бўлиши керак;
- ҳарбий транспорт воситалари;
- алоқа каналларидан ахборот олиш учун махсус техник воситалар, бошқа ахборотни ошкор этмай олиш воситалари (микронаушниклар, брелок-камералар, камера ўрнатилган кўзойнақлар, соат-камералар ва шу каби воситалар); ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари фаолияти билан боғлиқ ашёлар (радиоэлектрон ва махсус техник воситалар);
- антирадарлар, рамка-пардачалар, антипрослушкалар, антижучкалар, эшитиб туришнинг олдини олиш воситалари, жучоклар детекторлари ва шунга ўхшаш техник мосламалар;
- фаол ва нофаол ҳимоя воситалари (электрошок қурилмалари, газ баллонлари, газ тўппончалари, резина ўқли қуроллар, ёруғлик-шовкин эффектлари, сигнализаторлар, резина тўқмоқлар, кишанлар), ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари қўллайдиган фаол ҳимояланиш махсус воситаларига киритилган кўз ёши оқизувчи ва таъсир кўрсатувчи препаратларга эга махсус воситалари;
- божхона конфискати;
- тиббиёт мақсадларидаги товарлар, дори препаратлари, ветеринар препаратлари, баъзи биологик фаол қўшимчалар (ТМ Лида, Дали, Миазоми, Баша; Тонгкат), стероидлар, анаболиклар, виагра. Агар сиз БФМ сотадиган бўлсангиз, эълон матнида албатта препарат биологик фаол қўшимча эканлигини кўрсатинг;
- инсон аъзолари, донорлик хизматлари (қон / сперма топшираман / харид қиламан ва ш.к.);
- суррогат оналик хизматлари, кўкрак сути;
- портловчи, пиротехник моддалар ва материаллар;

- гиёҳванд, психотроп моддалар, захарлар, захарловчи моддалар ва уларнинг ўрнини босувчилар, шунингдек уларни тайёрлаш учун ишлатилувчи ўсимликлар ва ингредиентлар. Галлюциноген ўсимликлар, кўзқоринлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар;
- Қизил китобга киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар;
- дастурий таъминот, иловалар нусхалари;
- фильмлар, мусиқа, ўйинларнинг ноқонуний нусхалари ёзилган қароқчилик оптик ташувчилари;
- контрабанда товарлари ва ўғриланган мулк;
- қидирувдаги, ҳужжатлари бўлмаган транспорт воситалари;
- давлат мукофотлари, Улуғ Ватан урушидаги Ғалабани абадийлаштириш ҳақидаги нишон;
- хорижий валюта ва / ёки бошқа валюта қимматликлари (нумизматик мақсадларда сотиш бундан мустасно);
- қалбаки пул бирликлари ва қалбаки почта тўловчи белгилари;
- учинчи шахсларга тегишли акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;
- амалдаги (шунингдек муддати ўтган) ёки кучга эга давлат шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар ва дунёнинг ҳар қандай мамлакатлари ҳужжатлари (паспортлар, id-карталар, ҳайдовчилик гувоҳномалари, талабалик билетлари, зачёти дафтарчалари, дипломлар, йўл чипталари, рухсатномалар, сертификатлар, лицензиялар ва ш.к.), шунингдек ушбу ҳужжатлар бланкалари;
- рақам белгиларини тайёрлаш ва сотиш (стандарт, хос, элита учун ва шунга ўхшаш). Автомобиль юрганлиги ва ускуналар ҳисоблагичи кўрсаткичларини олдинга/орқага айлантириш хизматлари;
- расмий бланкалар, қатъий ҳисобот шакллари;
- тайёр диплом, курс, магистрлик ишлари, маърузалар конспекти;
- спамерлар базаси, рухсат берилмаган тарқатишга кўмак бериши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар. Парсинг: хизматлар ва дастурий таъминот таклифи;
- шахсий (анкета) маълумотларга эга маълумотлар базаси;
- давлат, банк ёки тижорат сирига эга материаллар;
- шахсий ҳаёт сирини бузувчи ёки фуқаролар ва юридик шахслар ҳурмати, кадри ва амалий обрўсига путур етказувчи материаллар;
- алкоголь ичимликлар; тамаки маҳсулотлари; самогон аппаратлари, этил спирти бор маҳсулотлар;
- муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари;
- ноёб ҳайвон турлари ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳайвонлар териси, шохлари, аъзолари ва тулумлари;
- шубҳали молиявий хизматлар ҳақидаги ахборот (масалан, “бир соатда кредит. Гаров ва кафилларсиз”, “Тасдиқланган солиқ кредити сотиш / алмашиш”, “Тўлов тизимларида кўмак” ва ш.к.);
- қаллоблик, таъмагирлик, ҳар қандай шаклдаги моддий ёрдам ва қўллаб-қувватлашни сўраш ёки таклиф этиш, жумладан “ҳомий бўламан”, “ҳомий излаяпман”, “моддий ёрдам бераман”, “моддий ёрдам излаяпман”, “тижорат” ва шунга ўхшаш эълонлар;
- универсал калитлар (кириш эшиклари учун, турли қулфлар учун)
- нацизм, коммунизм нишонлари тасвири туширилган ашёлар (антиквариатдан ташқари);

- сехргарлик мавзудаги таклифлар, товарлар / ашёлар (иссиқ-совук, жоду, фолбинлик, сатанизм, маросимлар, сехрлаш, жодугарлик, афсун, табиблик, экстрасенслик ва ш.к.), шунингдек ушбу мавзудаги шахсий қўлёзмалар;
- инсон ёки бир гуруҳ одамларга нисбатан тухмат сифатида ишлатилиши мумкин бўлган материаллар. Иш ташлашга, норозиликка, ҳар қандай аукционларда, лотереяларда, митингларда қатнашишга чақириқ ва ш.к.;
- дастурлар активаторлари, компакт-дисклар калитлари, рўйхатдан ўтиш рақамлари, оригинал дастурий таъминот базалари таклифлари;
- браконьерлик ускуналари ва жиҳозлари (электр қармоқлар, тўрлар, қопқонлар ва ш.к. куруллар), шунингдек уларни тайёрлаш бўйича хизматлар;
- пул тикиладиган қиморлар тизимларида ёрдам таклифига боғлиқ хизматлар;
- шахвоний хизматлар, фоҳишалик, интим характердаги ҳар қандай хизматлар, массаж турлари: эротик, боди, лингама. Шунингдек интим (шахвоний) мақсадлардаги ҳар қандай товарлар;
- шубҳали, жумладан Интернет тармоғида, иш берувчининг жисмоний манзили ва тўғридан-тўғри контактларини кўрсатмаган ҳолда (ҳамма учун иш, уйда электрон почтани қайта ишлаш, пул тикмайдиган иш, пассив даромад ва ш.к.) иш таклифлари;
- чет элларда тунги клубларда веб-модель бўлиб ишлаш таклифлари, свингер-клублар хизматлари таклифлари; эскорт-хизматлар; никоҳ агентликларида таржимонлар; уйда ручка йиғиш ва бошқалар;
- агентлик фаолиятини (ПриватБанк агенти), савдо ваколатхонаси ёки бошқа ҳар қандай, ўзга аъзолар, субагентлар, субдистрибьюторлар жалб қилишни тақозо қилувчи фаолият турини таклиф этиш, фонд бозорларида пул ишлаш, трейдер фаолияти (Форекс-трейдинг, MMCIS ва ш.к.) таклифлари;
- “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги УҚга мувофиқ, ишга жойлаштириш бўйича хизмат таклифлари. Фақат Украинада ишга жойлашиш бўйича воситачилар хизматларини изловчилар учун бепул таклифларга рухсат берилади. Чет элда ишга жойлаштириш бўйича воситачиларнинг барча таклифлари тегишли лицензияга ёки Украина ижтимоий сиёсат вазирлиги буйруғига эга бўлиши керак. Лицензия рақами ва серияси ёки буйрук санаси ва рақами албатта кўрсатилади;
- енгил муносабатлар ҳақидаги ҳар қандай эълонлар, шунингдек танишув сайтлари маъмурий панеллари;
- ишлатилган ич кийимлар (бюстгальтер, иштон, боди, пайпок, колготка, корсетлар)
- шпаргалкалар (соат-шпаргалкалар, ручка-шпаргалка ва ш.к.);
- телефон мобил рақами ҳисобини маблағ ўтказиш йўли билан тўлдириш, бонуслар мавжудлиги ҳақидаги таклифлар;
- ҳар қандай ресурсларда қўлда ва дастурий эълонлар жойлаштириш ва тарқатиш, шунингдек ушбу лавозимга бўш иш ўринлари;
- Украина ҳудудий яхлитлиги ва дахлсизлигига тажовуз қилувчи товарлар / хизматлар;
- сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни сотиш;
- индивидуал зирҳли ҳимоя: зирҳли жилетлар (турфа ҳимоя турлари ва тоифаларида), ҳимоя каскалари (турфа ҳимоя турлари ва тоифаларида), ўқ ўтмас қалқонлар, қаттиқ ҳимоя унсурлари (алоҳида зирҳли пластинкалар), зирҳли жилетларга ғилофлар ва шу кабилар;
- планшет, мобил телефонлар, ноутбукларнинг қутилари, девайснинг ўзини сотиш таклифисиз;

- тегишли қонунчилик билан тақиқланган бошқа ҳар қандай товарлар, иш ва хизматлар.

5.9 Фойдаланувчи "25h8" ТИЗИМИда қуйидаги мазмунга эга ахборот (хабар, эълон, билдирги)ни жойлаштирмалиги шарт:

- ҳуқуқ-тартибот ва маънавият асосларига мувофиқ келмайдиган ҳар қандай ашё ва хизматлар;
- зўравонлик, ирқий нафрат, қонунга зид ҳаракатлар, миллатлараро можароларга тарғиб ва ёки чақириқлар;
- миллий, ирқий, диний, жинсий ва бошқа белгилари бўйича камситиш;
- беҳаё сўзлар, уятли, таҳқирловчи иборалар, шунингдек таҳқирловчи, жумладан ирқий ва диний мазмундаги гаплар;
- қаллоблик ва / ёки таъмагирликнинг ҳар қандай усуллари тавсифи ва / ёки улар бўйича шарҳ;
- учинчи шахслар хусусий (номулкий) ҳуқуқлари ёки интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузувчи маълумотлар;
- қаллобликка, алдов ёки ишончни суиистеъмол қилишга хизмат қилувчи ахборот;
- ўғрилланган ёки қалбаки ашёлар билан амалиётлар содир этишга сабаб бўлувчи ахборот;
- учинчи шахслар мулки, тижорат сири ёки хусусий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқини бузувчи ёки унга тажовуз қилувчи ахборот;
- бошқа шахслар ҳақидаги шахсий ёки махфий ахборот, уларнинг очиқ-равшан розиликларини олмаган ҳолда;
- шахсий ҳаёт дахлсизлигига тажовуз қилувчи, кимнингдир обрўсини, қадрини ёки амалий обрўсини таҳқирловчи маълумотга эга ахборот;
- кимга нисбатан бўлмасин, тухмат ёки таҳдид мавжуд ахборот;
- ёлғон ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборот, адашишга сабаб бўладиган ахборот;
- вируслар ёки Сайтга, Компанияга ёки бошқа фойдаланувчиларга зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа технологиялар;
- фоҳишалик каби маънавиятга зид саналувчи ёки маънавият ёки қонун меъёрларига зид бошқа шаклдаги сервислар ҳақидаги ахборот;
- Компания сервислари билан рақобатдаги сайтларга ҳаволалар ёки улар тўғрисида маълумот;
- “спам”, “бахт хати”, “пирамидалар чизмаси” бўлган ёки номақбул ёхуд ёлғон тижорат рекламаларидан иборат ахборот;
- франшиза, кўп босқичли ва тармоқли маркетинг, агентлик фаолияти, савдо ваколатхонаси ёки ҳар қандай бошқа турдаги, ўзга аъзоларни, суб-агентларни, суб-дистрибьюторларни ва бошқаларни ёллаш (жалб қилиш)ни тақозо қилувчи фаолият таклифи мавжуд ахборот.

6. Оператор ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

6.1 Оператор Фойдаланувчи томонидан жойланган ахборотни Оператор назорати остидаги ёки назоратидан ташқаридаги техник сабабларга кўра, шунингдек ахборот Фойдаланиш шартларини ёки амалдаги қонунчиликни бузган ҳолда жойлаштирилганда, ахборотни бошқа жойга кўчириш, очиқлигини чеклаш ва / ёки ўчириб ташлаш ҳуқуқига эга.

6.2 Оператор эълонларни ҳуқуқ эгаси ёки ваколатли давлат органлари талабларига кўра ўчириб ташлаш ҳуқуқига эга. Оператор, шунингдек, ўзининг фикрига кўра

жамоатчилик маънавий тамойилларига ва асосларига мувофиқ келмайдиган ҳар қандай ахборотни ўчириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Ўчириш ҳақидаги қарор қатъий бўлади ва шикоят ўринсиздир.

6.3 Оператор ўзи номақбул, ноқонуний деб ҳисоблаган ёки Операторнинг ҳар қандай жавобгарликка тортилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай Контекстни ўзгартириш ёки ўчириш ҳуқуқига эга.

6.4 Оператор мутлақо ўз хоҳишига кўра қуйидаги чекланмаган ҳуқуқларга (лекин мажбурият эмас) эга:

1) "25h8" ТИЗИМИда ҳар қандай Контекст ёки унинг қисмини жойлаштириш (эълон қилиш)ни рад этиш ёки Оператор асосли равишда зарарли, ё ҳар қандай сиёсатни ёки Шартларни бузувчи ёки номақбул деб ҳисоблаган ҳар қандай Контекстни ўчириб ташлаш ёхуд

2) мутлақо ўз хоҳишига кўра, исталган Фойдаланувчининг "25h8" ТИЗИМИга уланиши ва «25h8» ТИЗИМИдан фойдаланишини тўхтатиш ёки рад этиш.

7. Жавобгарликнинг чекланганлиги

7.1 "25h8" ТИЗИМИдан фойдаланиш орқали, Фойдаланувчи у ТИЗИМИни ва унинг сервисларини ўз хатари асосида ишлатишга розилигини, "25h8" ТИЗИМИда ахборот жойлаштирилган ахборотдан фойдаланиш билан боғлиқ барча хатарларни баҳолаши ва зиммасига олишига, Оператор эса, жумладан унинг раҳбарияти, ходимлари ва агентлари "25h8" ТИЗИМИда жойланган ахборот мазмуни, бундай ахборотдан фойдаланиш оқибатида юзага келган ҳар қандай зарар ва зиёнлар юзасидан ҳеч қандай жавобгарликка эга эмасликларига розилигини тасдиқлайди.

7.2 Оператор фойдаланувчилар ёки учинчи томонлар ўртасидаги келишувларда ташкилотчи / ташаббусчи томон саналмайди.

7.3 Оператор "25h8" ТИЗИМИда жойлаштирилган барча Контекстни текширмайди ва текшира олмайди, бинобарин, бундай Контекст учун, бундай Контекстдан фойдаланиш ёки фойдаланиш оқибатлари учун жавоб бера олмайди. "25h8" ТИЗИМИ бошқарувини амалга ошириш баробарида, Оператор Фойдаланувчи юклаган Контекстнинг олдиндан ёки кейинги тасдиқланишини кафолатламайди, шунингдек, бундай Контекстнинг ишончли, фойдали ёки беҳавф эканлигига ҳам кафолат бермайди.

7.4 Фойдаланувчи бошқа Фойдаланувчилар Контекстини қўллашда эҳтиёткор бўлиши керак. Оператор ушбу Шартларни, йўриқномалар ёки «25h8» ТИЗИМИдан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги кўрсатмани, Контекст (мазмун, ахборот)ни жойлаштириш тартибини хато тушуниш ёки тушунмаслик ва уни нотўғри талқин қилиш натижасида Фойдаланувчи ёки учинчи шахслар томонидан кўрилган зарар ёки зиёнлар учун жавоб бермайди.

7.5 Оператор рухсат берилмаган уланиш ёки Оператор серверларини ва / ёки фойдаланувчилар ҳақидаги уларда сақланувчи исталган ахборотнинг ишлатилиши, шунингдек «25h8» ТИЗИМИда ўтган ёки «25h8» ТИЗИМИ орқали учинчи шахсларга ўтган ҳар қандай хато, вируслар, “троян дастурлари” ва ш.к. учун жавобгарликни зиммасига олмайди.

7.6 Сифат, хавфсизлик, қонунийлик ва товар ёки хизматнинг ўз тавсифига мувофиқлиги, шунингдек фойдаланувчининг товар / хизматни сотиш ёки сотиб олиш имконияти Оператор назоратидан ташқаридадир.

7.7 Товар ёки хизматнинг "25h8" ТИЗИМИда жойлашгани фактидан келиб чиқиб, Фойдаланувчи бирор-бир товар ёки хизмат бўйича таклиф, сотув ёки харид ҳақиқий ва қонуний, деган хулосага келиши мумкин эмас. Оператор "25h8" ТИЗИМИда тузилган

Фойдаланувчи келишувларининг бажарилиши юзасидан жавобгар эмас. Фойдаланувчи ўз ҳаракатлари учун жавобгарликни тўлиқ ўз зиммасига олади.

7.8 Агар Фойдаланувчида бошқа Фойдаланувчига нисбатан унинг «25h8» ТИЗИМИдан фойдаланиш юзасидан даъволар туғилса, Фойдаланувчи бу талабларни мустақил ва Операторни жалб қилмай тақдим этишга рози бўлади, шунингдек Операторни (бунинг баробарида, унинг шўъба корхоналари, аффиляцияланган шахслари, хизматчилари, директорлари, вакиллари ва ходимларини) бундай талаблар натижасида ёки уларга боғлиқ равишда юзага келган барча маълум ва номаълум талаблар, мажбуриятлар, зарарни қоплаш бўйича компенсациялар, харажатлар (сарфлар), жумладан адвокат гонорарларидан озод этади.

7.9 Фойдаланувчи томонидан ёки бошқа Фойдаланувчилар томонидан Шартлар қоидалари бузилган ҳолда Операторнинг дарҳол муносабат билдирмаганлиги Операторнинг ўз манфаатлари ҳимояси учун кейинроқ тегишли ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди, шунингдек бундай қоидабузарликлар келгусида содир этилганда, Операторнинг ўз ҳуқуқларидан воз кечишини англамайди.

7.10 Фойдаланувчи, _____ ҳаволасидан фойдаланиб, Операторга ўз ҳуқуқларининг бошқа Фойдаланувчи томонидан бузилганлиги факти ҳақида хабар бериш ҳуқуқига эга. Фойдаланувчи шикоятларининг асосли эканлиги ҳолатида Оператор ўз ихтиёрига кўра ё бу ахборотдан бошқа Фойдаланувчилар фойдаланишини чеклайди ёки Фойдаланувчи ҳуқуқларини бузувчи ахборотни ўчириб ташлайди.

7.11 Оператор оқибатларини четлаб ўтиш ёки енгиш иложсиз бўлган (ҳокимият қарорлари, меҳнат можаролари, бахтсиз ҳодисалар, умумий коммуникация тизимидаги узилиш ва ш.к.) енгиб бўлмас куч сабабли «25h8» ТИЗИМИга уланишни тақдим этиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки бунга тўсиқлар бўлгани юзасидан жавобгар эмас.

7.12 Оператор сервер жиҳозлари ва дастурий таъминот ишида техник узилишлар сабабли «25h8» ТИЗИМИда юзага келган носозликлар учун жавобгарликни зиммасига олмайди.

7.13 Ҳеч қандай шароитда Оператор, унинг раҳбарияти, ходимлари ва агентлари Фойдаланувчи томонидан «25h8» ТИЗИМИ ва унинг сервисларидан фойдаланганлик натижасида кўрадиган бевосита, билвосита зарарлар ва ҳар қандай характердаги жарима санкциялари тўлаш учун (ҳатто Оператор бундай зарарлар бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилган бўлса ҳам), жумладан зарарлар / зиёнлар «25h8» ТИЗИМИ ва унинг сервисларидан фойдаланиш ёки нотўғри фойдаланиш натижаси бўлган чекланмаган ҳолларда ҳам, жавобгар бўлмайди.

7.14 Агар Сиз ҳақиқатан ушбу матнни ўқиётган бўлсангиз, бизнинг чуқур ҳурматимизга сазовор бўлдингиз.

7.15 Фойдаланиш шартларидаги ҳеч нарса Фойдаланувчи ва Оператор ўртасида агентлик муносабатлари, оддий ширкат муносабатлари, умумий фаолият бўйича муносабатлар, меҳнат муносабатлари ёки бирор-бир бошқа, мазкур Фойдаланиш шартларида кўзда тутилмаган муносабатлар ўрнатилиши деб тушунмаслиги лозим.

8. Кукис (Cookies) ва мобил идентификаторлар

8.1 «25h8» ТИЗИМИ фаолияти жараёнида Оператор кукис (куки, cookies), пикселлар (pixels) ва локал омбор (браузерда) каби технологиялар ёрдамида муайян ахборотни йиғиши мумкин.

8.2 Кукислар (cookies) ёрдамида веб-сервер, масалан, фойдаланувчи қизиқишлари ва унинг компьюттери, мобил телефони ёки бошқа қурилма(лар)идаги созламаларни сақлаб қўйиши, кейинги ташрифда уларни автоматик тиклаши мумкин. Бошқача айтганда, кукислар (cookies) «25h8» ТИЗИМИдан фойдаланишни янада қулай қилиш, мисол учун,

Фойдаланувчи кейинги ташрифида тизимга кириш жараёнини такрорламаслиги учун мўлжалланган. Оператор ҳам доимий, ҳам сессиявий кукилардан фойдаланади. Доимий кукилар фойдаланувчи компютерида узоқ муддат давомида қолади, сессиявий кукилар эса, барузер дарчаси ёпилишида автоматик ўчирилади.

8.3 Оператор реклама ва / ёки тахлилий хизматлар кўрсатувчи каби учинчи томонларга ахборот йиғишга, бунда тегишли турдаги технологияларни бевосита "25h8" ТИЗИМИда кўллаган ҳолда амалга оширишга имкон бериши мумкин. Улар тўплайдиган маълумотлар ушбу учинчи томонларнинг амалдаги махфийлик сиёсатига мувофиқ равишда ҳимоя қилиниши лозим.

8.4 Аксарият асосий компютерлар (столусти) ва мобил веб-браузерлар (масалан, Safari, Firefox, Internet Explorer, Chrome, Opera) бошқарув унсурларини таъминлайди, улар Фойдаланувчига сизнинг тизимларингизда кукислар (Cookies) ўрнатишни чеклаш ёки блоклаш имконини беради. Эътибор беринг: биринчи тоифа (кириладиган сайтлар) ва бошқа доменлар (кириш билан боғлиқ сайтлар)да кукислар (Cookies)ни ўчириб қўйиш баъзи ҳолларда бу веб-сайтларнинг функционаллиги чекланувига олиб келади.